



## БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Ташкенбаева Зарина Улугбековна -  
Тошкент молия институти докторанти*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a35)

**Аннотация.** Ҳар қандай фаннинг таркибий тузилишини такомиллаштириш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки унинг таркибини тўғри танлаш ушбу фанда қандай масалаларни кўриб чиқишни, талабаларни ўқитишда тўғри ёндашишни, энг муҳими, қайси кўрсаткичларни амалиётда ошқора қилиш ва қайси кўрсаткичлар ҳисоби ва таҳлилини ошқора қилмасликни, корхонанинг маълум даражада сирини сақлаган ҳолда унинг рақобатдошлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш учун жуда муҳимдир. Ушбу мақолада бухгалтерия ҳисоби фанининг бир қисми ҳисобланган бошқарув ҳисобининг таркибини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Бошқарув ҳисобининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, унинг корхоналарни самарали бошқаришдаги аҳамияти тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув ҳисоби, ишлаб чиқариш, қарор қабул қилиш, ахборот, бюджетлаштириш, харажатлар.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРУКТУРЫ ДИСЦИПЛИНЫ «УПРАВЛЕНЧЕСКИЙ УЧЕТ»

*Ташкенбаева Зарина Улугбековна -  
докторант Ташкентского финансового института*

**Аннотация.** Совершенствование структуры любого предмета имеет не только теоретическое, но и важное практическое значение. Потому что правильный выбор ее содержания очень важен для определения того, какие вопросы необходимо рассматривать в данной дисциплине, какой правильный подход выбрать к обучению студентов, и главное, какие на практике показатели должны быть раскрыты, а какие нет, а также разрешение вопросов обеспечения конкурентоспособности предприятия при сохранении определенного уровня секретности. В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования структуры предмета управленческого учета.

**Ключевые слова:** управленческий учет, производство, принятие решений, информация, бюджетирование, затраты.

## IMPROVING THE STRUCTURE OF MANAGEMENT ACCOUNTING

*Tashkenbayeva Zarina Ulugbekovna -  
doctoral student of Tashkent Financial Institute*

**Abstract.** Improving the structure of any science is not only theoretical, but also of great practical importance. Because the correct choice of its content is very important for determining what issues need to be considered in this discipline, what is the correct approach to choose for teaching students, and most importantly, which indicators should be disclosed in practice and which should not, as well as resolving issues of ensuring the competitiveness of the enterprise while maintaining a certain level of secrecy. This article discusses the issues of theoretical and practical improvement of the structure of management accounting, which is an integral part of the accounting science. The socio-economic content of management accounting, its significance from the effective enterprise management standpoint are studied.

**Key words:** management accounting, production, decision making, information, budgeting process, costs.

**Кириш.** Бошқарув ҳисоби мамлакатимиз ҳисоб тизимида янгилик бўлиб, у мустақилликдан кейин иқтисодий тизимизга бозор муносабатлари жорий этилиши билан вужудга келган иқтисодий дастаклардир. Ҳар бир фан ўз-ўзидан вужудга келиб қолмаганидек, бошқарув ҳисоби ҳам шунчаки тасодифан пайдо бўлмаган. Иқтисодий фанларнинг вужудга келишига объектив ҳаётий зарурат вужудга келган бўлса, у олдин маълум вазифани бажаришга қаратилган бир иқтисодий дастак сифатида юзага келади. Бу эса унинг назарий асосларини амалиётда қўлланилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шу тариқа бир соҳа бўйича янги иқтисодий жараёнлар, уларни бошқарувчи иқтисодий дастаклар ва ниҳоят унинг назариясига бағишланган иқтисодий фанлар вужудга келади. Шу тариқа бошқарув ҳисоби ҳам, айнан, ана шу ҳаётий зарурият оқибатида вужудга келди.

Бошқарув ҳисоби тизимини татбиқ қилиш, келажакда иқтисодий ва барқарор ривожланиш имконини берувчи натижаларга олиб келади. Шунинг учун ҳам, бизнесни юритишда, бошқарув ҳисобини татбиқ қилиш жуда муҳим масала ҳисобланади.

**Адабиётларнинг таҳлили.** Бошқарув ҳисобининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни тўғрисида ҳам ҳамон турли ёндашувлар мавжуд.

Айрим олимлар бошқарув ҳисобини корxonани бошқариш учун тегишли маълумотларни тайёрлаш сифатида таърифлайдилар. Жумладан, К. Друри «Бошқарув ҳисоби деганда корxonани бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш, режалаштириш, назорат ва тартибга солиш фаолиятини амалга ошириш учун зарур маълумотларни тайёрлаш тушунилади, деб таъкидлайди [1].

Ҳақиқатда, бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси корxона самарали бошқариш учун тегишли зарур ахборотларни тайёрлашдан иборат.

Айрим муаллифлар бошқарув ҳисобини анча кенгроқ тушунча деб қарайдилар. Жумладан, С.Т.Хорнгрен ва Г.Фостер «Бошқарув ҳисоби маълум объектни бошқаришда зарур маълумотларни аниқлаш, баҳолаш, тўплаш, бир тизимга келтириш, таҳлил қилиш, бўлақларга ажратиш, талқин қилиш ва тақдим этиш жараёнидир» деган таърифни беради [2]. Бу таърифда К.Друри берган таърифга нисбатан кенгроқ жараёнлар ва тушунчалар киритилган. Мазкур муаллифлар бошқарув ҳисобини айрим жараёнларни амалга ошириш учун «маълумотларни етказиб берувчи» эмас, балки маълумотлар асосида «баҳолаш, тўплаш, бир тизимга келтириш, таҳлил қилиш, бўлақларга ажратиш, талқин этиш ва тақдим этиш» масаласини қўяди.

Айрим олимлар бошқарув ҳисобини йирик бир тадқиқотлар тизими сифатида баҳолаб, корxonани бошқаришда ҳисоб жараёни ва бошқариш ўртасидаги бир занжир сифатида қарайдилар. Жумладан, М.А.Вахрушина: «Бошқарув ҳисоби – бир вақтда тадқиқотлар тизими ва соҳасини ўзида намоён этадиган, корxonани бошқариш тизимининг муҳим элементи, ҳисоб жараёни ва бошқаруви ўртасида боғловчи занжирдир» деб таъкидлайди.[3]

Ҳақиқатда, бошқарув ҳисоби бевосита корxона фаолиятини таҳлил қилиш ёки бошқариш билан эмас, балки шулар учун маълумотлар етказиб берувчи бир дастакдир.

Бошқарув ҳисоби бўйича мамлакатимиз олимлари ҳам чуқур тадқиқотлар олиб бориб, йирик монография ва қўлланмалар чоп этишга муваффақ бўлмоқдалар. Ушбу муаллифлар ҳам мазкур масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таърифларини бермоқдалар. Жумладан, Б.А. Ҳасанов бошқарув ҳисобига қуйидагича таъриф берган: «Бошқарув ҳисоби-корxона ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларининг фаолияти юзасидан тактик ва стратегик қарорларини қабул қилиш учун харажат ва даромадлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этувчи ички хўжалик ҳисобининг синтетик тизимидир» [4].

Ушбу таърифда бошқарув ҳисобининг кенг қўламда иш олиб боришга қаратилган. Чунки бошқарув ҳисоби фақат битта корxонада эмас, балки унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмалари фаолияти юзасидан ҳам тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилганлиги алоҳида кўрсатилган.

Бугунги кунда тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, ҳозиргача бошқарув ҳисобида кўриладиган масалалар (мавзулар) 26 тани ташкил қилади. Аммо шу масалалар бўйича турли олимларнинг ёндашувлари турлича. Жумладан, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги томонидан тайёрланган «Бошқарув ҳисоби»[5] ўқув қўлланмасида бошқарув ҳисобига дахлдор 10 та мавзу ўрганилиши тавсия қилинган, бу мавзуларни ўқиб ўрганган ва имтиҳонни муваффақиятли топширган тингловчиларга шу фан бўйича халқаро сертификат берилади.

Рэй Вандер Вил ва Виталий Палий томонидан ҳамкорликда тайёрланган «Бошқарув ҳисоби» номли қўлланмада [6] ҳам 10 та мавзунинг ўрганиш кўзда тутилган. Аммо АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги тайёрлаган ўқув қўлланмани ушбу қўлланма билан солиштирсак, бор-йўғи 30 % мавзу бир-бирига тўғри келади, холос.

Булардан ташқари Ч.Т.Хорнгрен ва Дж. Фостер томонидан тайёрланган «Бухгалтерия ҳисоби: бошқарув жиҳати» қўлланмада [7] 8 та йирик масала кўрилган. Уларнинг 40 % АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги, 40 % Рэй В.Вил ва В.Палий томонидан тайёрланган ўқув қўлланмаларда кўрилган мавзуларга тўғри келади. Қолган қисми эса олдинги адабиётларда кўрилмаган бутунлай янги мавзулардир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бошқарув ҳисобига бағишланган йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда ва уларнинг натижаси бўйича монографиялар [8] ва қўлланмалар [9] чоп этилмоқда. Аммо ушбу адабиётларда ҳам бошқарув ҳисобининг таркибий тузилиши бўйича турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Б.А. Ҳасанов унинг таркибига 6 та йирик масалани киритади, А.А.Абдуғаниев эса 9 та мавзунинг киритиш лозимлигини асослайди. Аммо уларнинг ёндашувларидаги ўхшашлик атиги 3 та мавзу бўйича тўғри келади. А.Х.Пардаевнинг фикрича, бошқарув тизимида 8 та масалани кўриб чиқиш керак[10]. Аммо унда кўрилган мавзулар эса турлича. А.Х. Пардаев билан Б.А. Ҳасановнинг таклифларида 4 та мавзу бир-бирига тўғри келса, А.А. Абдуғаниев ва А.Х. Пардаевнинг мавзуларидан 2 та мавзу тўғри келмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишини амалга оширишда қиёсий таҳлил, мантиқий фикрлаш ва эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, танланма адабиётлар

таҳлили, шунингдек, соҳа бўйича олим ва экспертларнинг ушбу мақола мавзуси бўйича қараш ва ёндашувларидан самарали фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ҳар бир фаннинг таркибий тузилишини такомиллаштириш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки унинг таркибини тўғри танлаш бу фанда қандай масалаларни кўриб чиқишни, талабаларни ўқитишда тўғри ёндашишни, энг муҳими, қайси кўрсаткичларни амалиётда ошқора қилиш (ташқи фойдаланувчилар учун) ва қайси кўрсаткичлар ҳисоби ва таҳлили-

ни ошқора қилмасликни, корхонанинг маълум даражада сирини сақлаган ҳолда унинг рақобатдошлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш учун ҳам зарурдир. Шу боис ушбу масала юзасидан айрим тавсиялар мавжуд.

Юқоридаги адабиётлар таҳлилидан кўрииб турибдики, ҳали бошқарув ҳисоби бўйича олимлар бир қарорга келмаганлар. Ҳар бири киши бошқарув ҳисобини ўзича талқин қилади ва ўзларича асослаб мустақил тарзда таркибини шакллантиради. Натижада бошқарув ҳисоби бўйича назарий ва амалий жиҳатдан бир тизим шаклланган эмас.

**1-жадвал**

**Бошқарув ҳисобининг таркибий тузилиши бўйича олимларнинг ёндашувлари ва бизнинг тавсия**

№	Бошқарув ҳисобида кўриладиган мавзулар	АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги	Рэй Ван-дер Вил, Виталий Палий	Ч.Т.Хорнгрен, Дж. Фостер	Б.А. Ҳасанов	А.А. Абдуғаниев	А.Х. Пардаев	Бизнинг тавсия
1.	Бюджетлаштириш (режалаштириш)	+	+	+	+	+	+	+
2.	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш	+	-	+	+	+	-	+
3.	Жавобгарлик марказлари бўйича сегментлар ҳисоби ва ҳисоботи	-	+	+	-	+	-	-
4.	Ички хўжалик бўлимлари ўртасида трансферт баҳони ташкиллаштириш	-	+	+	+	+	+	+
5.	Харажатларни бошқарув талаблари асосида туркумлаштириш	+	-	-	-	+	-	-
6.	Бошқарув ва молиявий ҳисобдаги харажат гуруҳларини ўзаро мувофиқлаштириш	-	-	-	-	+	-	+
7.	Бошқарув ҳисоби учун счетлар режаси	-	-	-	-	+	-	+
8.	Бошқарув ҳисоби ёзувлари билан молиявий ҳисоб ёзувларини мувофиқлаштириш таркиби	-	-	-	-	+	-	-
9.	Ички назорат ва иқтисодий таҳлил	-	-	+	-	+	-	-
10.	Тахминлаш (прогнозлаш)	-	-	-	+	-	-	-
11.	Трансферт баҳони шакллантириш	-	-	-	+	-	-	-
12.	Истеъмол жараёнлари ҳисоби, бозорни ўрганиш, истиболли режалаштириш	-	-	-	+	-	-	+
13.	Харажатлар динамикаси. Фойдалилик нуқтаси таҳлили	+	-	+	-	-	+	+
14.	Бошқарув ҳисоби орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш	+	+	+	-	-	+	+
15.	Айланма маблағларни бошқариш	+	-	-	-	-	-	+
16.	Молияни бошқариш	+	-	-	-	-	-	+
17.	Узоқ муддатли капитал қўйилма ва инвестициялар	+	+	-	-	-	-	+
18.	Инвестиция таҳлили	+	-	-	-	-	-	-
19.	Лойиҳа таҳлили	+	-	-	-	-	-	-
20.	Ишлаб чиқариш ва захираларни бошқариш	-	+	-	-	-	-	+
21.	Бошқарув ҳисобининг назарий асослари	-	+	-	-	-	+	+
22.	Молиявий ҳисоб ва ҳисоботлар таҳлили	-	+	-	-	-	-	-
23.	Харажатларнинг норматив ҳисоби	-	+	-	-	-	+	+
24.	Бошқарув ҳисобида миқдорий усул	-	+	-	-	-	-	+
25.	Харажатларнинг тебраниши ва тақсимланиши	-	-	+	-	-	+	+
26.	Бошқарув ҳисобида чизиқли программалаш модели	-	-	-	-	-	+	-
	<b>Жами кўрилган масалалар</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>9</b>	<b>8</b>	<b>16</b>

**Изоҳ:** Ушбу мавзулар умумлаштирилган мавзулардир. Ҳар бири бир қанча кичик мавзуларни қамраб олади. Олимларнинг ёндашувлари ҳам бир-бирига ўхшаш жиҳатлари бўлган бўлса умумлаштирилган ҳолда берилган.

**Манба:** Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биз ушбу муаммони атрофлича ўрганиб, амалиётнинг талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унинг таркибига 16 та мавзунини киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Яъни бошқарув ҳисобининг қуйидаги таркиби тавсия қилинмоқда.

1. Бошқарув ҳисобининг назарий асоси.
2. Бюджетлаштириш (режалаштириш).
3. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш.
4. Бошқарув ва молиявий ҳисобдаги харажат гуруҳларини ўзаро мувофиқлаштириш.
5. Бошқарув ҳисоби учун счетлар режаси.
6. Ички хўжалик бўлимлари ўртасида трансферт баҳони ташкиллаштириш.
7. Истеъмол жараёнлари ҳисоби, бозорни ўрганиш, истиқболли режалаштириш.
8. Харажатлар динамикаси. Фойдалилик нуқтаси таҳлили.
9. Бошқарув ҳисоби орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш.
10. Айланма маблағларни бошқариш.
11. Молияни бошқариш.
12. Ишлаб чиқариш ва захираларни бошқариш.

13. Бошқарув ҳисобида миқдорий усул.
14. Узоқ муддатли капитал қўйилма ва инвестициялар.
15. Харажатларнинг норматив ҳисоби.
16. Харажатларнинг тебраниши ва тақсимланиши.

Тавсия қилган мавзуларимиз бошқа қайси олимлар билан тўғри келиши ва қайси жиҳатлари билан фарқ қилишини билиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (1-жадвал).

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолатларни эътиборга олдик:

Биринчидан, бошқарув ҳисоби мустақил фан даражасига кўтарилдими, унинг назарий асоси бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, ҳар бир фаннинг ўзига хос мустақил соҳаси бўлишини тақозо этади. Шу туфайли тавсиямизда бошқарув ҳисобининг назарий асосига алоҳида ўрин берилган.

Фикримизча, тавсия қилинаётган бошқарув ҳисобининг таркиби нафақат назарий, балки амалий талабларга ҳам тўлиқ жавоб беради ва улар мазкур фаннинг бозор муносабатлари шароитида мазмунини тўлиқ ифода этади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Друри К. *Управленческий и производственный учет.* – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2019г. -12 стр.
2. Хасенова К., Зейнуллина А., и др. *Формирование и развитие научной концепции управленческого учета.* научная статья. Научная электронная библиотека elibrary.ru, 2019г.
3. *Бухгалтерский учет в современных бизнес-структурах. The accounting in the modern business structures [Электронный ресурс]: Монография / М.А. Вахрушина [и др.]; Финансовый университет, Департамент учета, анализа и аудита; коллектив авт. под ред. М.А. Вахрушиной. — Электронные данные. – Москва: Финансовый университет, 2017.*
4. Хасанов Б.А. *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.* – Т.: Молия, 2003. 43 бет.
5. *Управленческий учет. Учебное пособие. Агентство США по межд. Развитию.* -Т: 2020. 228стр.
6. *Рей Вандер Вил, В. Палий. Управленческий учет. пособие* – М.: Инфра-М, 1997г. 478 стр.
7. Ч.Т. Хорнгрен, Дж. Фостер. *Бухгалтерский учет: Управленческий аспект.* –М.: Финансы и статистика. 2008 г., 416 с.
8. Хасанов Б.А. *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография.* – Т.: Молия, 2003. - 248 б.;
9. Абдуғаниев А.А. *Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолар, уларнинг ечимлари. Монография.* – Т.: ТМИ, 2003. - 275 б.
10. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. *Бошқарув ҳисоби.* – Т.: Тафаккур нашриёти, 2014. – 160 б.



**СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН  
ЎТКАЗИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**Абдураимова Мафтунахон Ахматовна –  
ТМИ доценти PhD**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a36](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a36)

**Аннотация.** Ушбу мақолада суғурта ташкилотларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва натижаси ўлароқ, аудиторлик текширувларини ташкил қилиш жараёнлари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, таҳлил қилиш жараёнлари, суғурта ташкилоти фаолиятини комплекс ҳолда баҳолаш, суғурта аудитини ўтказиш концепцияси халқаро амалиёт бўйича ёритиб берилган. Юқоридагилардан ташқари мақолада молиявий ҳисобот тузиш бўйича олимларнинг қиёсий фикри берилган. Суғурта ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил қилиш, аудит натижаларини умумлаштириш юзасидан таҳлилий амалларни қўллаш ва самарали текширув натижалари ҳақида фикр юритилган. Шу билан бир қаторда, мақолада суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказиш методологияси бўйича муҳим хулосалар ва амалий тавсиялар бериб ўтилган, бу билан илмий мақоланинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** суғурта ташкилоти, аудит, ички назорат, молиявий ҳисобот, аудиторлик хулосаси, аудит халқаро стандартлари, қиёсий кўрсаткичлар, таҳлилий амал.